

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИ  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ



# “БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

I-Республика илмий-амалий конференцияси мақолалари  
**ТҮПЛАМИ**

2016 йил 25-26 ноябрь

II



Мазкур тўплам болалар спортини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларига бағишиланган бўлиб, унда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ходимларини малака ошириш тизимининг сифат ва самарадорлигини ошириш йўллари, ёш авлодга таълим-тарбия беришда илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш, ёшларни спортга жалб килишда педагогик-психологик ёндошув ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчиси ва спорт мураббийларининг компетентлигини ошириш масалалари бўйича билдирилган фикр-мулохазалар ёритилган.

Тўпламда чоп этилган мақола ва тезисларнинг ғояси, илмий-методик салоҳияти ва унда келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгардирлар.

**Масъул мұхаррир: Мирзаев Ислом Ҳабибовиҷ**

### Ташкилий кўмита таркиби

Закиров Алишер Акбарович

-ташкилий кўмита раиси, психология  
фанлари номзоди, доцент

Елдашева Гулноз Василжановна

-раис ўринбосари, педагогика фанлари номзоди

Гаппаров Зоҳид Гаппарович

- аъзо, профессор

Ташбаев Наим Содикович

- аъзо

Ибрахимов Санжар Урунбаевич

- аъзо (дастурий таъминот)

Хайдаров Рустам Юлчибаевич

- аъзо (дастурий таъминот)

Тожибаева Назокатхон Кобилжоновна

- аъзо (таржимон)

Гаффаров Шавкат Муминович

- аъзо (техник таъминот)

Арзибаев Қодиржон Одилжонович

-ташкилий кўмита котиби

### Тахририй комиссия таркиби

Хасанов Абдурахим Хасанович

-комиссия раиси. тарих фанлари номзоди, доцент

Ходжаев Пахритдин

-раис ўринбосари, профессор

Дехканбаева Зулфия Абубакировна

-аъзо, педагогика фанлари номзоди, доцент

Немматов Бобирбек Илхомжонович

-аъзо

Пулатов Жамшид Абдумажитович

-аъзо

Ибраимов Беҳзод Бахтиёрович

-комиссия котиби

Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Болалар-ўсмирлар спорт мактабларини ходимларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази илмий-услубий Конгашининг 2016 йил 31 октябрдаги № 6 сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

первоначальную мотивацию, мы тем самым заставляем подростка искать новое мотивационное начало в своей деятельности.

## КРОСС ЮГУРИШЛАРИ ОРҚАЛИ ЁШЛАРНИНГ УМУМИЙ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШ

*К.Арзибаев, ХТВХБЎСМҲҚТУМОМ*

*Ш.Хаитбаева, Xоразм вилояти*

*Шовот тумани БЎСМ мураббийи*

Маълумки жисмоний машқларжисмоний тарбиянинг асосий воситаси ҳисобланиб, улар ёрдамида спортчи организмига аниқ, мақсадли таъсир кўрсатилади. шунингдек, улар ёрдамида ўқув-машқ машғулотларини самарали ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун шароит яратилади, бу жараёнда соғломлаштирувчи, таълим ва тарбияга оид вазифалар ҳам ҳал этилади.

Анашундай вазифаларни амалга оширишда кросс югурушлари жуда қўл келади. Одатда кросс югурушлари куз ва баҳор фаслларида кўпроқ ташкил этилади. Унинг югуриш масофалари ўқувчи ёшларнинг ёши, жинсига қараб ҳар хил бўлади. Ўрта ёшдаги ўқувчилар учун 500 м., катта ёшдаги ўқувчилар учун 1000, 2000 м. белгиланади. Ўсмирлар ва катта ёшдагилар учун эса кросс масофаси 3000 м.ни ташкил этади.

Кросс югуриш таркибига кирмасада, марш-бросок (турли тўсиқлардан ўтиб югуриш) югуриши айнан кроссга ўхшайди. Фақат югуриш масофаси (аёллар 5 км, эркаклар учун 8 км) ҳамда югуриш жойлари фарқ қиласади.

Кросс югурушлари асосан очик дала, истироҳат боғлари, кенг майдон-ларда, шахар шароитида эса катта кўчаларда ташкил этиш тўғри бўлади. Бундай шаронтларда ариклар, кичик сойликлар, баланд бўлмаган тепаликлар, бурилишлар, баъзи табиий тўсиқликлар бўлиши мақсадга муофиқ келади.

Сўнгги йилларда умумтаълим мактаблар, баъзи ўрта маҳсус, олий ўқув юртларида кросс югурушларини ўзларининг ўқув биноси, спорт майдонлари ва уларга яқин бўлган қулагай жойларни қўшиб ўтказиш амалиёти кенг қўлла-нилмоқда. Қишлоқ жойларда ҳам ўзларининг яқин атрофларида текислик, паст-баланд, төғли жойларида кросс яхши ташкил этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, кросс югурушларида чидамлилик, чакқонлик ва иродавий сифат ҳамда фазилатлар кўпроқ талаб этилади. Шу сабабдан ўқувчи ёшларни кросс югурушларига қизиқтириш, улар билан тез-тез мусобақалар ташкил қилиб туриш яхши натижа беради. Айниқса, кросс югурушларининг соғликни яхшилаш, чиниқтириш ва ҳарбий хизматларни ўташдаги ижтимоий-тарбиявий жихатларини назарий ҳамда амалий жихатдан сингдириб бориш лозим бўлади. Шу жихатдан олганда академик лицейлар, касб-хунар коллежларининг ўқувчи-талаба ёшлари кросс югурушларининг моҳиятларини изчил ўрганиш, уларни амалда бажариш йўлларини эгаллаш ва энг муҳими ўзларининг кросс югурушларидаги амалий-жисмоний тайёргарликларини мустаҳкамлашлари мақсадга мувофиқдир. Чунки, ўзларининг меҳнат жараёнлари ва ижтимоий турмуш шароитларида кросс югурушлари зарур бўлади.

Кросслин яхши югуриб ўтиш учун югуриш меъёри-тезлиги ўртacha юклама даражасида бўлиши лозим, яъни ўта тезлик билан югурилмайди. Югуриш техникиси масофалардаги тўсиқларга қараб ўзгаради, яъни текис жойларда гавдани тўғри тутиб, тирсаклар букилган ҳолда кадамларни кенг ташлаш йўли билан давом этади. Қия, пастлик ва чукурлик ариклардан югуриб, сакраб ўтишда гавда олдинга қисман эгилиши, қўлларининг ҳолати ўзгариши (кулоч ёзиш ёки биқинларга қисиши ва ҳ.к.) мумкин. Тепалик, баландликларда югуришда гавдани олдинга кўпроқ эгилиши, бош олдинга қараб

пасайиши, тирсаклар олд-орқага кенгроқ, тезроқ ҳаракат қилингига түри келади. Нафас олиш жараёнлариниң күпроқ бурун оркали, қийинлашганда эса оғиз оркали амалга оширилади. Қияликларда, тепаликларда югуришида чарчаши, толиқиши табиий бир ҳолдир. Бундай пайтларда югуриши тезлигини кисман секинлаштириш ёки бир лахза (10-15 кадам) юришга ўтиши мумкин бўлади. Лекин, энг муҳими бундай югуришларда чидаш, барлош берниш, ўзини тута билиш, қатъийлик каби фазилатлар шутулланувчининг иродаси билан бевосита боғланаб кетади.

Кросс ва марш-брасок югуришларида баъзи бир тактик ҳолатлар (усуллар) ҳам кўлланилади. Гавда, кўллар ва оёкларни шароитларга караб букиш, тикланиш, ёзиш, эгилиш, сакраш, қадамларни тезлаштириш ёки сусайтириш, кенг қадамлар ташланаш каби техник усувларни ўтиши жойларига караб, осонлик билан бажариш амаллари кўлланилади.

Дараҳтзор, тошлок, кўмлюқ, қалин тупрокли ва х.к. жойлардан югуриб ўтиш кулайликларни танлай билиш, айланиб ёки сакраб ўтиш, тез ва секин ҳаракатлардан самарали фойдаланишини тақазо этади.

Кросс югуришлари жисмоний сифатларининг деярли барчасини ҳамда руҳийтарбиявий фазилатларни ўзида мужассамлаштиради. Шу сабабдан ўкувчи ёшлар кроссларда кўпроқ иштирок этишлари, эрталабки ёки кечки бўш пайтларда, айникса дам олиш кунлари кросс югуришлари билан шугулланишлари лозим. Бу жихатлар жисмоний баркамолликни тарбиялаш билан бир қаторда, бўлажак касб-хунарни эгаллаш, меҳнат жараёнларида доимо тетик, бакувват бўлиб юришни таъминловчи омил эканлигини билиш зарурдир. Шу билан биргаликда, ўз ўртоқлари, касбдошлари, тенгдошлари, қолаверса қишлоқ ахолисини соғломлаштиришда кросслардан фойдаланиш йўлларини ҳам пухта эгаллаш керак бўлади. Доимо ёдда саклаш керакки, ёши ва жинсига қарамасдан оила аъзолари, қўни-қўшнилар ва маслақдош кишилар билан дам олиш кунларида кросс югуришларини ўтказиш, маълум манзилларга бориб ҳордиқ чиқариш, хаёт гўзаллгидан баҳраманд бўлиш қанчалик яхши, қизиқарли эканлигини хис қилиш туйғуларини ёшлиқдан билиш лозимдир.

Юқоридагилардан куйидаги хуносага келиш мумкин бўлади, соғ бўлмоқчи бўлсанг – югар, узоқ яшамоқчи бўлсанг – югар, чиройли бўлмоқчи бўлсанг – югар. Дарҳакикат инсонг соғлигига катта таъсирини ўтказа оладиган бундай югуруш ҳар кандай шахс учун зурурий фаолият хисобланади. Ёшларнинг жисмоний сифатларини кўмплекс ривожлантиришда ҳам кросс югуришларидан унимли фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

## ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРДА МАХСУС ТЕЗКОРЛИК ВА ЗАРБА БЕРИШ АНИҚЛИГИНИ КЕСКИН ЎЗГАРУВЧАН ВАЗИЯТЛИ МАШҚЛАР ЁРДАМИДА ШАКЛЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ

*A.A.Артиқов, ЎзДЖТИ*

Маълумки, 90 минут давом этадиган бундай ўйинларда толиқиши аломатлари юзага келиши, ҳаракат фаоллигининг сусайиши ва энергетик имкониятларни чегараланиши ҳаракат техникаси ва аниқлигига салбий таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Агар жисмоний имкониятлар аэроб-анаэроб чидамкорлик устунлигига пропорционал шакллантирилган бўлса, тезкорликнинг асоси бўлмиш психокинетик фаоллик ҳам сайқал топади, бинобарин, ҳаракат тезлиги, техникаси, унинг координацион нусхаси ва аниқлиги узоқ вақт сақланиши мумкин. Айнан ана шу ўта долзарб муаммолар бутунги кунда аксарият тадқиқотчи – олимлар ва мутахасис – тренерлар дикқат марказидан жой олган.

Ҳаракат аниқлиги икки бир-бирига боғлиқ компонентлардан иборат интеграл сифат бўлиб, биринчиси – ҳаракат техникасининг асл (модель) нусхасига якин ижро этиш билан ифодаланади. Бу –“жараён” аниқлиги деб номланади. Иккинчиси- финал аниқлик (тўғли

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
<b>У.И.Иноятова.</b> Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятни янада такомиллаштириши .....	4
<b>Э.Б.Искандаров.</b> Болалар спортини ривожлантириши - бутуиги кун долзарб масаласи .....	6
<b>А.Алимов.</b> Болалар спортини ривожлантиришда болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг аҳамияти .....	8
<b>И.Х.Мирзаев.</b> Болалар спортини ривожлантиришда малзака отириши марказининг тутган ўрни ва аҳамияти .....	10
<b>З-ШУЙБА: ЁШЛАРНИ СПОРТГА ЖАЛБ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЁНДОШУВ</b>	
<b>У.Р.Абдумаликов, А.З.Ходжаев.</b> ўкувчи ёшлар ватанпарварлик туйгулар ва ҳарбий – жисмоний тайёрғарликни шакллантиришининг ижтимоий – тарбиявий моҳияти .....	12
<b>А.И.Абдуллаев.</b> Жисмоний тарбия дарсларида ўкувчиларнинг тайёрғарлик кўрсаткичларини оширишта янгича ёндошиш .....	14
<b>М.У.Адашева.</b> Кейс-стади технологияси асосида ўкувчиларнинг педагогик маҳоратини шакллантиришининг назарий асослари .....	15
<b>Д.Н.Алимджанова.</b> Информационные технологии в системе физическая культура и спорт .....	16
<b>К.О.Арзибаев.</b> Значения потребностей и мотивов в спорте .....	18
<b>К.Арзибаев, Ш.Хаитбаева.</b> Кросс югуришлари орқали ёшларнинг умумий жисмоний тайёрғарлигини ошириш .....	21
<b>А.А.Артиков.</b> Ёш футболчиларда маҳсус тезкорлик ва зарба бериш аниқлигини кескин ўзгарувчан вазиятли машқлар ёрдамида шакллантириш самарадорлиги .....	22
<b>К.О.Арзибаев, Г.Н.Жумаева.</b> Бадий гимнастика спорт туридаги қизларни жисмоний тайёрғарлигини назоратини ўйлга қўйиш .....	24
<b>М.А.Азизов.</b> Баркамол авлодни тарбиялашда соғлом турмуш тарзини шакллантириш самарадорлигини ошириш .....	25
<b>Қ.Авезимбетов, С.Давронов.</b> Комилликни ривожлантиришда жисмоний маданиятнинг ўрни .....	26
<b>Д.Н.Алимджанова.</b> Современные педагогические технологии на уроках физической культуры в вузе .....	28
<b>Н.А.Абдузабаров, Г.А.Джсаналиева, Г.Ж.Шамарибходжаева.</b> Модулли ўқигиши технологиясининг тамойиллари .....	30
<b>А.А.Болтаев.</b> Талабалар ўртасида ўкув машғулотлари жарайонида волейбол спорт турида тўсиқ қўйиш техникасини ўргатиш ва тадбиқ қилиш .....	31
<b>Б.Ғ.Бойбобоев.</b> милий курашда таълим-тарбиянинг ўрни ва аҳамияти .....	34
<b>З.Г.Гаппаров.</b> Яккакураш спорт турларида спортчиларнинг поргловчи харакат қобилиятини шакллантириш .....	36
<b>З.Дехкамбаева.</b> Муаммоли таълим технологияларини спорт машғулотларда қўллашнинг аҳамияти .....	38
<b>Б.Р.Джалилов.</b> Организация самостоятельных занятий физической культурой .....	41
<b>Р.Джумабаева, Ш.Хасанова.</b> Ахборотлашув даври ва болалар-ўсмирлар спорти мактаб тарда юксак маънавиятли ёшларни тарбиялашнинг долзарб муаммолари .....	42